«NAVOIYAZOT» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ТАСДИҚЛАЙМАН

«NAVOIYAZOT» АЖ
бошқарув раиси в.б.
_______________ О.Ш. Темиров

2022 йил «14» июл

Техник назорат бўлими синов лабораториясига O‘zDSt ISO/IES 17025:2019 «Синов ва калибрлаш лабораторияларининг лаёқатлилигига қўйиладиган талаблар» стандартини жорий қилишда консалтинг хизматини кўрсатиш

**ТЕХНИК ТОПШИРИҒИ**

Навоий - 2022 йил

**Техник назорат бўлими синов лабораториясига O‘zDSt ISO/IES 17025:2019 «Синов ва калибрлаш лабораторияларининг лаёқатлилигига қўйиладиган талаблар» стандартини жорий қилишда консалтинг хизматини кўрсатиш бўйича**

# ТЕХНИК ТОПШИРИҒИ

| Т/р | Асосий талаблар рўйхати | Асосий талабларнинг мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | Буюртмачи | «Navoiyazot» Аксиядорлик жамияти<br>Манзил: 210105 Навоий, Навоий-5<br>Тел/факс: +998 79 223-75-80, +998 79 229-22-36<br>Ҳ/Р: 20 210 000 000 429 662 001, Навоий шаҳри<br>АКБ «Sanoatqurilishbank» ИНН: 200 002 933 МFО 00440 |
| 2 | Бажарувчи | Харид комиссия ёрдамида энг яхши таклифларни танлаш натижаси орқали аниқланади. |
| 3 | Хизмат кўрсатишнинг номи ва мақсади | Техник назорат бўлими синов лабораториясига O‘zDSt ISO/IES 17025:2019 «Синов ва калибрлаш лабораторияларининг лаёқатлилигига қўйиладиган талаблар» стандартини жорий қилишда консалтинг хизмати.<br>O‘zDSt ISO/IES 17025:2019 жорий қилиш қуйидаги мақсадда амалга оширилади:<br>- Кафолатланган хизматлар<br>- тадқиқот натижаларининг аниқ ва ишончлилиги<br>- мижозларнинг ишончи<br>- қарорларни қабул қилиш бўйича тадқиқотлар<br>- бозор иқтисодиётида мустаҳкам ўринга эга бўлиш<br>- ходимлар фаолият сифатининг яхшиланиши |
| 4 | Хизматларни амалга ошириш учун асос | 1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПҚ-5133-сон қарори ижроси, ҳамда "Ўзкимёсаноат" АЖнинг 2022 йил 22 июндаги 11-400-сонли топширик хати.<br>2. "NAVOIYAZOT" АЖнинг ISO 17025:2019 «Синов ва калибрлаш лабораториялари компетентлигига бўлган умумий талаблар» халқаро стандартининг талабларини 2022-2023-йиллар давомида жорий қилиниши бўйича тармоқ жадвали. |
| 5 | Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари | 1. Жорий йилнинг декабригача техник назорат бўлими синов лабораториясига O‘zDSt ISO/IES 17025:2019 «Синов ва калибрлаш лабораторияларининг лаёқатлилигига қўйиладиган талаблар» стандартини жорий қилишда консалтинг хизматини кўрсатиш;<br>2. «Navoiyazot» АЖнинг 10 ходими учун 2022 йилнинг декабригача ташкилот ҳудудида,<br>2.1 Синаш ва калибрлаш лабораториялари малакалилигини O‘z DSt ISO/IEC 17025:2019 стандарти асосида баҳолаш;<br>2.2 Ўлчашлар ноаниқлигини баҳолаш;<br>2.3 Услубиятларни, синовларни валидатлаш ва верификатлаш малака ошириш йўналишларида ўқув курслари;<br>2.4 Процедура хужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштириш. |
| 6 | Ташкилотининг иш хажми ва хизматларини амалга ошириш мезонлари | 1.**Ташкилотининг иш хажми:**<br>• 1.1 ТНБ ходимларнинг техник малакаси бўйича 1995 йил 15 майдан 2020 йил 31 мартгача аккредитация қилинган бўлиб, O‘zDSt ISO/IES 17025:2019 «Синов ва калибрлаш лабораторияларининг лаёқатлилигига қўйиладиган талаблар» стандартини жорий қилишда консалтинг хизматини кўрсатиш<br>• 1.2 Аккредитация соҳаси: техникавий суюқ аммиак ва |

| Т/р | Асосий талаблар рўйхати | Асосий талабларнинг мазмуни |
|---|---|---|
| | | карбамид;<br>• 1.3 14-хил параметрни камраш<br>• 1.4 10 та ходимнинг малакасини ошириш (Аккредитация соҳасида 5 та ходим жалб килинган ва улар олдин O'z DSt 3326:2018 давлат стандарти талаби билан шуғулланадиган мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича сертификатга эга)<br>2 **Хизматларини амалга ошириш мезонлари**:<br>2.1 Ташкилотнинг тажрибаси (миллий ва халкаро даражада амалга оширган ишлари)<br>2.2 Экспертлар 10 йилдан кўп тажрибага эга бўлиши<br>2.3 Кимё махсулотлари сохасидаги муваффакиятли камида 3 та лойихалар бўйича маълумотлар (тавсия хатлари):<br>2.4 Ўкитиш хизматини кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномалар (лицензия) мавжудлиги (ўкитган ташкилотлари ва тавсия хатлари):<br>2.5 Ўкишга жалб этилган ўкитувчилар тегишли сохадаги тажрибаси |
| 7 | Тақдим этилган хизматлар бажарувчисига қўйиладиган талаблар | Ушбу хизматларни тақдим этишда:<br>- тизимни олдиндан баҳолаш:<br>-барча таклиф ва тавсиялар ёзма шаклда расмий тақдим килиниши;<br>-аккредитация жараёнида иштирок этиши;<br>-аккредитация ташкилоти томонидан камчиликлар аникланган тақдирда, тузатиш ишларига қатнашиши;<br>-ўкув курсининг хар бир иштирокчисига тегишли таркатма материаллар рус ва давлат тилларида тақдим этилиши, ҳамда курслар натижаларига кўра, муваффакиятли якунлангандан сўнг, ўкув курслари иштирокчиларига тегишли сертификатларни тақдим этиш |
| 8 | Хизматларни кўрсатиш ва уларнинг натижалари хавфсизлигига қўйиладиган талаблар | 1. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун БАЖАРУВЧИ ва БУЮРТМАЧИ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофик жавобгар бўладилар.<br>2. Буюртмачи, шартномани олинган кундан бошлаб 10 кун ичида тузади ва БАЖАРУВЧИ манзилига кайтаради. Шартнома бўйича эътирозлар мавжуд бўлса, шартномани олган Томон бошқа Томонни эътирозлар тўғрисида 10 кун ичида хабардор килиши шарт. Шартномани бажариш муддати 10 кунгача кечиктирилганда, шартнома тузилганидан кейин 10 кун ўтгандан кейин аванс тўлови ўтказилмаганда, дастлабки маълумотлар шартнома тузилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўз вактида тўлик тақдим этилмаганда ишнинг (хизматларнинг) бошланиши ва тугаш санаси кўшимча келишувсиз кечиктирилган кунлар сонига кўчирилади.<br>3. Бажарилган иш ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун БУЮРТМАЧИ БАЖАРУВЧИга кечиктирилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0.5 % миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 %дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. |
| 9 | Кўрсатилган хизматлар ва | 1. Ишни бажармаганлик ёки ишни ўз вактида бажармаганлик учун БАЖАРУВЧИ БУЮРТМАЧИга |

| Т/р | Асосий талаблар рўйхати | Асосий талабларнинг мазмуни |
|---|---|---|
| | уларнинг натижалари бўйича бажарувчига қўйиладиган талаблар | кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ҳажми қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.<br>2. БУЮРТМАЧИ шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, БАЖАРУВЧИ шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.<br>Барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар орқали ҳал қилинади. Музокаралар йўли билан келишувга эришилмаган тақдирда, юзага келган низо жавобгар турган жойдаги Ўзбекистон Республикаси хўжалик судига юборилади. |
| 10 | Хизматлар натижаларни етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби | 1. Консалтинг хизмати ва ўқув курси бўйича ўқитиш хизматини амалга оширганидан сўнг, БАЖАРУВЧИ уларни БУЮРТМАЧИга юборади, шундан сўнг 5 кун ичида бажарилган ишларнинг қабул қилиш далолатномасини ва Ҳисоб-фактурани рўйхатдан ўтказиш ва тўлаш учун юборади.<br>2 Сўнг 5 кун ичида бажарилган ишларнинг қабул қилиш далолатномасини ва Ҳисоб-фактурани рўйхатдан ўтказиш ва тўлаш учун юборади.<br>3. Хизмат якунида махсус сертификат тақдим этилганидан кейин иш тугалланган ҳисобланади.<br>4. Буюртмачи талаби асосида хизмат бошланган кундан бошлаб 10 кун ичида олинган ҳужжатларни қабул қилишни асослантирилган рад этиш ҳуқуқига эга. Белгиланган муддатда асослантирилган рад этиш олинмаса, иш қабул қилинган ҳисобланади ва БАЖАРУВЧИ БУЮРТМАЧИдан бажарилган иш учун ҳақ тўлашни ва бажарилган ишнинг тўлдирилган қабул қилиш далолатномасини, ҳисоб-фактурани талаб қилишга ҳақли.<br>Агар ишни бажариш жараёнида ишни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқ бўлса, БАЖАРУВЧИ уни тўхтатиб қўйиши шарт, бу ҳақда иш тўхтатилгандан кейин 10 кун ичида Буюртмачини хабардор қилади.<br>Бундай ҳолда, томонлар 10 кун ичида ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва йўналишларини кўриб чиқишлари шарт. |
| 11 | Хизматлар натижаларини тугатиш ва етказиб бериш бўйича ҳужжатларни БАЖАРУВЧИга тақдим этиш талаби | 1. Консалтинг хизмати ва ўқув курси бўйича ўқитиш хизмати билан танишиб чиқиб, шарҳлар тайёрланса, БАЖАРУВЧИ уларни БУЮРТМАЧИга юборади, шундан сўнг 5 кун ичида бажарилган ишларнинг қабул қилиш далолатномасини ва Ҳисоб-фактурани рўйхатдан ўтказиш ва тўлаш учун юборади.<br>2. БУЮРТМАЧИ қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун БАЖАРУВЧИга юборади.<br>Хизмати якунида махсус сертификатлар тақдим этилганидан кейин иш тугалланган ҳисобланади. |
| 12 | Молиялаштириш манбалари | «Navoiyazot» АЖнинг ўз маблағи ҳисобидан. |

ТИ ва М бўйича бошқарма бошлиғи С.С. Хакимов

КЕЛИШИЛДИ
Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш
Бўйича биринчи ўринбосари О.Ж. Мавлонов